

ҲАР БИР СОҲА ВА ЙўНАЛИШ, ҲАР БИР ФУҚАРО ТАҚДИРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислоҳотларнинг бориши билан танишиш мақсадида 16-17 февраль кунлари Бухоро вилоятида бўлди.



Ташрифнинг биринчи кунини Президентимиз Шавкат Мирзиёев кенг кўламли иқтисодий лойиҳалар билан танишди, вилоятда барпо этилаётган замонавий корхоналар, кенг ва раво йўллар, таълим ва тиббиёт муассасаларида бўлди, ёшлар, турли соҳа вакиллари билан суҳбатлашди.

Бухоро вилояти аҳолисининг 48 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларни соғлом ва маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари вилоятга ташрифининг иккинчи кунини Бухоро шаҳар Ёшлар маркази фаолияти билан танишишдан бошлади. Марказ тўғракларида олиб борилаётган машғулотлар жараёнини кузатди.

Утган йили собиқ Маданият саройининг эски биноси капитал таъмирланиб, Ёшлар марказига айлантилди. Уч қаватли замонавий бинада Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти кенгаши фаолият кўрсатмоқда. 808 ўринли томоша зали ва 280 томошабинга мўлжалланган кинозал ёшларнинг ижтимоий фаолигини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш учун жуда қўлай.

Масканда инглиз ва рус тиллари, шахмат-шашка, стол теннис, ёш актёрлар, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёшлар туризми, мактабгача таълим, инклюзив таълим, тасвирий санъат, тикуччилик каби 20 дан зиёд тўғрақ, руҳшунос-маслаҳат маркази фаолият кўрсатади. 4000 китоб фондига эга кутубхона ҳам ёшлар ихтиёрида.

Ёшлар маркази яқинида Бухоро давлат университети, Санъат коллежи каби қатор билим масканлари жойлашгани ушбу ўқув юртлиги талаба ва ўқувчилари учун марказ тўғрақлари ва кутубхонасидан фойдаланишда катта қўлайлик яратди.

Давлатимиз раҳбарига Ёшлар марказида жорий йилда ташкил этиладиган янги тўғрақлар, истиқболли лойиҳалар ҳақида маълумот берилди.

– Энг яхши фазилатлар китобда мужассам. Биз ёшларимизни билимми, юксак маънавиятга қилиб тарбиялашни истасак, уларни китобга меҳр руҳида вояга етказишимиз, турли касбларга ўргатишимиз керак, – деди Президентимиз.

Шундан сўнг Шавкат Мирзиёев Бухоро – Когон йўли бўйида қурилаётган кўп қаватли уйлари бориб кўрди. Бу уйлар қурилиши 2017 йил май ойида бошланган ва уларни жорий йил мартда яқинига етказиш мўлжалланган. Умумий мажмуа сифатида қурилаётган уйлар сонини 39 та бўлиб, 1024 хонадондан иборат. 5 қаватли ва асосан 2, 3 хонали уйлар 15 йил муддатга кредит асосида берилади.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига вилоятда олиб бориладиган янги қурилишлар ҳақида маълумот берилди. Когон шаҳрида қурилаётган 6 ва 7 қаватли уйлар қарийб 2 гектар майдонни эгаллайди.

Бухоро шаҳрининг Ислон Каримов кўчаси бўйидаги ишоотларни қайта қуриш лойиҳасига кўра, савдо, кўнгилочар марказлар, ижтимоий соҳа объектлари барпо этилади. Шавкат Мирзиёев лойиҳаларни такомиллаштириш бўйича ўз тактифларини айтди.

Бухоро шаҳрининг бош режасига кўра, И.Каримов, О.Эшоннов, Ҳамза, М.Иқбол, С.Айний кўчалари кесимчаларидаги турар жой мавзёлари қайта қурилади. Тартибсиз ва маънавий эскирган уйлар янгиланади.

Бу ердаги беш массивда 785 хонадонли 57 турар жой биноси, 181 нотурар жой бино ва 28 та ховли мавжуд. Янги лойиҳага кўра, 3399 хонадонли 57 турар жой биноси, 370 нотурар жой бино барпо этилади.

– Бу энг муҳим масала, – деди Президентимиз. – Одамларни рози қилиш учун, аввало, уларнинг яшаш жойларига эътибор қаратишимиз, турмуш шароитини яхшилашимиз лозим.

Лойиҳаларда кўрсатилганидек, Бухоро шаҳридаги Ибн Сино кўчаси қайта қурилади. Бундан ташқари, Алпоммиш ва Фароғий кўчалари кесимчасида умумий мажмуа сифатида янги турар жой бинолари қад ростлайди.

Бухоро вилоятида кўп қават-

ли уй-жой фондиди яхшилаш дастурида эса жорий йилда 546 та кўп қаватли уйни таъмирлаш ва атрофини ободонлаштириш кўзда тутилган.

– Бухоро – сайёҳлар кўп келадиган шаҳар. Бу ерда тарихий обидалар кўп, кенг замонавий бино ва ишоотлар кам, – деди Шавкат Мирзиёев. – Бу кўчалар бўйида замонавий бинолар куриш керак. Бухоро нафақат тарихий, балки замонавийлик нуқтаи назардан ҳам етакчи бўлиши зарур.

Давлатимиз раҳбарига Бухоро давлат тиббиёт институтининг 900 ўринли ўқув биноси ва 200 ўринли клиникаси, Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиалининг қабул-диагностика бўлимини қуриш ва 120 ўринли даволаш корпусини реконструкция қилиш лойиҳалари тақдим қилинди.

Вилоятда йўловчи ташиш тизимини ривожлантириш режасига кўра, катта сигимли автобуслар харид қилинади. Бухоро вилоятидан Россиянинг Москва, Уфа, Санкт-Петербург каби шаҳарларига янги йўналишлар йўлга қўйилади. Бундан ташқари, мавсумий йўналишлар ташкил қилиниб, вилоятларга қатновлар амалга оширилади.

– Транспорт тизимини такомиллаштирадиган вақт келди, – деди Президентимиз. – Шу пайтгача бу соҳага етарлича эътибор берилмади. Қанчадан-қанча автобус саройлари хусусийлаштириб юборилди. Чекка жойларга транспорт воситалари бормаиди. Одамлар шаҳарга келишга қийналади. Бунинг учун жамоат транспорти тизимини тартибга олиш зарур.

Бухоро вилоятида ичимлик суви таъминоти тизимини ривожлантириш режасига ҳам кўриб чиқилди. Унга кўра, 2019 йилдан вилоятнинг асосий қисми ичимлик суви билан таъминланади. Айни пайтда бу борадаги кўрсаткич 51 фоиз, ҳоло. Жаҳон банки иштирокида амалга оширилаётган лойиҳада Қорақул ва Олот туманлари аҳолисини ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларни имкон қадар қисқа муддатларда амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Лекин,

ишнинг сифатига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Жануби-ғарбий маҳсус ҳарбий округга қарашли ҳарбий қисмлардан бирида бўлди.

Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, янги Мудофаа доктринаси қабул қилинган ҳозирги таҳликали замонада мамлакатимиз мудофааси ва қўшинларнинг жанговар тайёргарлик даражасини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Мазкур қисмда ҳам ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш учун барча шароит яратилган. Ўқув бинолари, аудиториялар, компьютер синфлари, электрон кутубхона, маънавият ва маърифат хоналари, спорт зали энг замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланган.

Президентимиз дастлаб Мудофаа вазирлиги қўшинларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ҳарбий разведка тизимини такомиллаштириш, Бухоро вилояти ҳарбий-маъмурий сектори фаолияти, вилоятда ҳарбий шаҳарча барпо этиш борасидаги лойиҳалар тақдими билан танишди.

Ҳарбий соҳанинг жамиятимиздаги нуфузини ошириш, қисм ва муассасалар ошоналарини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича жорий этилган outsourсe тизимининг аҳамияти, захирадаги офицер кадрлар билан ишлаш, таълим муассасаларида эш авлодни ватанпарварлик руҳида, фаол ҳаётий позицияга эга инсонлар этиб тарбиялаш масалалари ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари қисмда ҳарбий хизматчиларнинг яшаши, билим олиши, жисмонан чинқиши учун яратилган шароитларни кўздан кечирар экан, уларнинг назарий билим ва кўникмаси ҳамда жанговар тайёргарлигини муттасил ошириб бориш асосий эътиборда бўлиши зарурлигини қайд этди.

Президентимиз ташрифи муносабати билан ҳарбий қисм шахсий таркиби саф тортиди. Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони улар билан суҳбатда бугунги мураккаб даврда Ватан ҳимоячилари зиммасида осмонимиз мусоффолиги ва халқимиз тинчлигини таъминлашдек гоят масъулиятли ва шарафли вазифа турганини, ҳарбий хизматчилар ҳар қандай таҳдид ва ҳавф-хатарларга қарши ҳар лаҳза тайёр туриши лозимлигини таъкидлади.

– Армия – халқимизнинг мустақам қалқони, – деди Шавкат Мирзиёев. – Мамлакатимиз мудофаа тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлардан кўзланган мақсад, армияни халқимизга яқинлаштиришдан иборат. Ватан ҳимоячиларининг хизмат шароитини яхшилаш, оиласи, фарзандларининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш бўйича кўп ишлар қиляпмиз. Бунга жавобан ҳарбийлар ҳам ота-боболаримизга муносиб бўлиши, замонавий билимларни пухта эгаллаб, ҳар кунини ўз устиди ишлаши, тажрибасини бойитиб бориши зарур.

(Давоми 2-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИ СОҲАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

Мамлакатда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ахборот технологиялари ва коммуникацияларни бошқариш ва жорий этиш соҳасидаги бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар ушбу соҳанинг жадал ривожланишига, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга тўқинлик қилмоқда. Хусусан:

Биринчидан, телекоммуникация инфратузилмаси етарлича ривожланмаган, мамлакатнинг олис аҳоли пунктлари телекоммуникация тармоқлари билан таъминланмасдан қолмоқда, мобиль алоқа ва Интернет тармоқининг сифати аҳоли эҳтиёжларини қондирмапти;

иккинчидан, давлат бошқаруви тизимида ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий этишда ягона технологик ёндашувнинг самарали амалга оширилмаганлиги сабабли идоравий ахборот тизимлари ва ресурслари алоҳида-алоҳида жорий қилинмоқда, бунинг оқибатида уларни ягона ахборот маконига интеграциялаш жараёни мураккаблашмоқда;

Учинчидан, электрон тижоратда интеграциялашган савдо ва маркетинг платформалари, интернет-дўконлар, тўлов тизимларини, шунингдек, логистика тизимларини жорий этишга етарлича эътибор қаратилмапти, бу иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожланиши, чет эл инвестициялари жалб қилиниши тўхтаб турилишининг сабабларидан бири

бўлмоқда; **тўртинчидан,** давлат ахборот тизимлари ва ресурсларида ахборот ҳавфсизлигини ва ахборотни муҳофаза қилишни таъминлаш ишларининг заиф ташкил этилганлиги ахборотдан руҳсатсиз фойдалана олиш, маълумотлар базаларининг бутунлиги ва махфиятигини бузиш имкониятини оширмоқда;

Бешинчидан, қўллаб-қувватлаб органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва тезкорлигини ошириш, бюрократик тартиб-таомилларга барҳам бериш, қоғоз ҳужжат айланишини камайитиришга қаратилган ахборотлаштириш ҳамда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини жорий қилиш лойиҳаларини амалга ошириш масалаларига етарлича эътибор берилмапти;

Олтинчидан, почта алоқа хизматлари ва логистика тизимини модернизация қилиш, почта алоқаси миллий оператори фаолиятининг сифат жиҳатдан янги услубларини жорий этиш ва бозорда унинг фаолияти мавқеини оширишга доир таъсирчан чоралар кўрилмапти;

Еттинчидан, ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг амалдаги тизими IT-технологиялар ривожланишининг тезкор суръатларини ҳисобга олмапти, шунингдек, таълим беришнинг илғор услубларини жорий этиш учун хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари билан самарали мулоқотни ташкил қилиш имконини бермапти;

(Давоми 2-саҳифада)



Қува омборларидаги «динорлар»

ФАРФОНА ВИЛОЯТИ

Қувалик Машраббой ота Жумабоевнинг “Қува анори” агрофирмаси худудда икки гектарлик анорзорни бор. Тажрибали боғбон анорзорларини, аввало, маҳаллий ўғит билан, гуллағач эса минерал ўғитлар билан озиқлантиради. Бир йилда 10-11 марта сугорлади. Натижанда гектарида 100-120 центнердан ҳосил олади.

– Ешим 76 да, – дейди Машраббой ота. – Ешлигимдан анор экиб, ундан мўл ҳосил олиб келаман. Баъзилар анор мева тугабганида сугорилганча анор аҳамият бермайди. Анор сувсевар ўсимлик, ўз вақтида сугорилса, меваси йирик, тош босадиган бўлади. Анорзорларимизда

кўмиб қўйганмиз. Кўмилган анорнинг ҳосили мўл бўлиши қўчиликка маълум. Отам раҳматли ҳам анорчилик билан шуғулланган. Тажрибаларини ўрганганимиз. Худода шўр, кам бўлганимиз йўқ. Олган даромадимиз туфайли ҳаётимиз фаровон ўтати, тўйлар қиляпмиз, уйлар қурапмиз. Фарзандларимнинг ҳаммаси уйли-жойли. Энг муҳими, уларнинг хонадонларида ҳам анор бор. Қуваимиз анорнинг шўратини оширишга ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.

Президентимизнинг 2016 йил 28 декабрдаги «Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўзда тутилган вазифалар ижроси доирасида «Нуроний» жамғармаси республика бошқаруви ҳузуринда «Фаол фахрий ижодкорлар» жамоатчилиги кенгаши ташкил этилди.

«Фаол фахрий ижодкорлар» жамоатчилиги кенгаши тузилди

Шу муносабат билан ўтказилган йилги кенгаши ширини, кенгаши раиси, ўринбосарлари, котиби тасдиқланди. Сўзга чиққанлар бугунги кунда мамлакатимизда кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, уларнинг мазмунли ҳаёт кечириши, ҳордиқ чиқариши ҳамда жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун кўрсатилаётган эътибор ҳақида сўз юритди.

Шундан сўнг улуг мутафакир Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги, буюк бобокалонимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишлаб ижодкорлар ва журналистлар ўртасида шахмат буйича мусобақа ўтказилди.

Навоийлик ёшлар учун совға

Бугунги кунда Навоий вилоятида 11 та Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси муваффақиятли фаолият юритиб келмоқда.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 31.07.2012 й.даги 2383-сон билан рўйхатга олинган қимматли қўғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотни тақдим этиш ва эълон қилиш қоидалари, Ўзбекистон Республикасининг 03.06.2015 й.даги «Қимматли қўғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг 43-моддаси асосида «NAVOIY GRAND BITUM» МЧЖ белгиланган шаклга мувофиқ қимматли қўғозларни сотиб олиш тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилади:

Акциялар эгаси акциядорлик жамияти устав капиталининг 20 ёки ундан ортиқ фоизини сотиб олиши тўғрисида маълумот	
Акциядорнинг номи (юридик шахннинг тўлиқ исми ёки тўлиқ номи)	"NAVOIY GRAND BITUM" mas'uliyati cheklangan jamiyati
Манзили (акциядорнинг почта манзили)	Navoiy viloyati, Navoiy shahri, Turkman ko'chasi 15-uy
Акцияларни сотиб олишда иштирок этадиган акциялар эгасининг акциядорлари	----
Тегишли шахсларнинг манзили	----
Акциядорлик жамиятининг тўлиқ номи	"Yerostigaz" aksiyadorlik jamiyati
Шартнома санаси	16.02.2018 й.
Шартнома тури	Биржадан ташқари савдолар ташкил этилган
Устав капиталдан сотиб олинган маблағ (%)	26,0
Шартномадан сўнг олинган акциялар сони (дона)	176 100

QISHLOQ HAYOTI

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агроекономик комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зойир МИРЗАЕВ, Баҳадир ЮСУПОВ, Бақриддин ЗАРИПОВ, Шухрат ТИШАЕВ, Муҳаммадjon ТИШБОЛТАЕВ, Абдурауф АБДУЛЛАЕВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анавар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Шодивер ЙУЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Телефонлар: Қабулхона – 236-26-50, Котибхона – 236-26-47, Аграр масалалар бўлими – 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-76-78, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

Реклама ва эълонлар: 236-26-50, 233-28-04.
web sayt: www.qishloqhayoti.uz e-mail: info@qishloqhayoti.uz

МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗН-Ф-Н (Б) бульдозер
- Бульдозер-погрузчик БЛ-750
- Занжирли экскаватор-погрузчик ЗН-Ф-Д
- Асфальторез
- Подъемник БЛ-09
- "Беларусь" (МТЗ)-80х, 80.1, 82.1, 1025.2, 12212
- "Беларусь" тракторлари эҳтиёт-қисмлари
- Турли моделдаги шиналар

Махсулотлар сертификатланган.
Т: (+99893) 501 6911, (+99871) 252 1629, 256 0955. E-mail: toglar_uz@mail.ru www.toglar.uz

Худудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 592-62-04

Вилоятлар:

- Андижон – (+99893) 630-73-03
- Бухоро – (+99891) 401-29-59
- Жиззах – (+99893) 940-10-78
- Навоий – (+99891) 332-50-99
- Наманган – (+99893) 948-53-86
- Фарғона – (+99890) 407-76-03
- Самарқанд – (+99893) 994-57-08
- Сирдарё – (+99894) 168-23-80
- Сурхондарё – (+99890) 844-44-11
- Тошкент – (+99890) 976-39-58
- Хоразм – (+99897) 790-47-81
- Қашқадарё – (+99891) 635-08-03

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Буюртма Г-213, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Манзиллими: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Газета тахририятнинг ўзига компьютерда тегишли ва дизайнёр Маркз ЮСУПОВ томонидан саҳифаланди.

21677 нусхада чоп этилди. НАШР ИНДЕКСИ – 144

Бошига топшириш вақти: 21.00

Босишга топширилди: 02.50

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агроекономик комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бадиулжамол ая НУРИДДИН қизининг вафоти муносабати билан таъзия билдиранди.



АЁЗКАЛЪА

ЎТМИШГА САЁХАТГА ЧОРЛАЙДИ



Ўсимликлар сайёрамизнинг ҳамма жойида: океан ва денгизларда, дарё ва қўлларда, жазирама чўлу саҳроларда, қоя ва тоғларда, қир-адирларда, хонадонларда ҳам мавжуд. Ҳар бир ўсимликнинг ўзига хос хислати бўлиб, бир ўлкада оддий саналган ўсимлик бошқа жойда гўёки мўъжиза сифатида кўринади. Масалан, биз учун оддий бўлган узум, қовун, тарвуз, анор ва анжирлар тайга халқларини ҳайратлантиради.

Табиат посангисига

Сейшель оролидаги ўн йил мобайнида яшилтирилган оғирлиги 25 кг. гача етадиган ёнғоқ, танасида 200 литргача сув сақлайдиган Мексика кактуси, Канар оролларидаги 6000 йилгача умр кўрадиган аждар дарахти, Суматра оролидаги диаметри бир метргача етадиган рафлезия каби гигант гул эса биз учун гайритабиийдир.

Ўрмонлар – ернинг ўпкаси. Бир гектар арчзорнинг карбонат ангидридни ютиш учун, 12-15 фоизи қоғоз сановати, кенг баргли дарахтзориники 120, қарағайзориники 160, липа (арғувон)ники 250 фоизга тенг экан.

Абу Али ибн Сино "Тиб қонунлари" асарида 900 га яқин ўсимликнинг дори-ворлик хусусиятларига изоҳ бериб, жумладан, шундай дейди: "Доривор хусусияти бўлмаган ўсимлик йўқ ва ўсимлик билан доволанмайдиган касаллик ҳам йўқ".

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг АБУ бўлими маълумотларига кўра, бир йилда кесилган ўрмонларнинг 40 фоизи ёқилги учун, яна шунчаси қурилиш учун, 12-15 фоизи қоғоз сановати, 3-5 фоизи шакталар, қолган 3-4 фоизи бошқа соҳалар учун ишлатилмоқда. Фан-техника тараққиёти туфайли кимё сановати ўрмон махсулотларининг асосий истеъмолчисига айланди. Ҳозирги кунда кимёвий усул билан ёғочдан қоғоз, шойи, жун, спирт, турли кислоталар,

Сиз 2000 ёки 1000 йил аввалги даврларга тушиб қолишни истайсизми? Балки, вақт машинаси тўғрисида орзу қиларсиз? Ушбу орзуларингиз ушалишини хоҳласангиз, Қорақалпоғистон Республикаси Беруний тумани худудида жойлашган қадимий ва ўрта асрлар ёдгорлиги – Аёзқалъа кўрғонига ташриф буюришни наслаҳат берамиз.

Аёзқалъа – уч ёдгорликдан иборат (Аёзқалъа 1,2,3). Табиий тепалик устида жойлашган Аёзқалъа-1 кўрғони миллоддан аввалги IV-III асрларда қурилган. Аёзқалъа-2 кўрғони VII асрнинг иккинчи ярми – VIII аср бошларига тегишли бўлиб, XIII асрда унинг бир қисмидан турар жой сифатида фойдаланилган. Ҳозир бу жойда "Аёзқалъа" туристик кемпинги фаолият кўрсат-

худудга хос бўлган маҳаллий парранда ва ҳайвонларнинг кескин камайиб кетиши ёки нобуд бўлишига сабаб бўлмоқда. Сўнгги 60-70 йил ичида сайёрамиз аҳолиси қарийб икки барбарга кўпайди. Илгари ўрмонлардан инсон эҳтиёжи учун 5-5,5 минг хил хомашё тайёрланган бўлса, ҳозирги кунга келиб 20 минг хилдан ортиқ махсулот ёки буюмлар тайёрланмоқда. Биргина Хитойда овқатланишда ишлатиладиган бир марталик

ичтиёр етмасин

глюкоза, ёнғуви газ, каучук сингари 20 мингдан ортиқ махсулот олинмоқда.

Сайёрамизда ярим миллиондан зиёд ўсимлик турлари мавжуд бўлиб, улар ердаги ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Сўнгги 60-70 йилда 80 дан ортиқ ҳайвон турлари йўқолиб кетди, 610 дан ортиқ тури эса йўқолиб кетиш хавфи остида турибди. Бунинг боиси ўсимлик дунёсининг аввасиз кесилиши, чўл, чала чўл, тоғ ва тоғ олди худудларининг ўзлаштирилишидир.

Мамлакатлар иқтисодиёти учун муҳим бўлган мўйна, тери ва гўшт етиштиришда ўрмонларнинг аҳамияти бекиб. Мўйнаси пул муомала воситаси даражасида баҳоланадиган йўлбарс, силовсин, олмахон ва бошқа жониворлар асосан ўрмонларда яшайди. Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг 60-70 йилларида сайёрамиздаги умумий ўрмонлар захираси куруқликнинг тўртдан бир қисмини ташкил этган бўлса, XXI аср бошларига келиб бу кўрсаткич оптимдан бир қисмга тушиб қолганлиги ўта ачинарли ҳолатдир. Қишлоқ ҳўжалигида кимёвий пестицидларнинг қўлланилиши айна

ОЛАМДА НИМА ГАП?

Ҳам учади, ҳам сузади

Шимоллий Каролина университети мутахассислари янги амфибия-қурилмани иختиро қилишди. Улар яратган "EagleRay" дрони ҳам учиши, ҳам сув остида сузиши мумкин.



Қурилма узунлиги атиги 1,4 метрни ташкил қилади. Бурун қисмидаги пропеллер атраф-муҳитдаги вазиятга қарамай, сувда ҳам, ҳавода ҳам ҳаракатланиш имконини беради.

Янги қурилма оддий ҳаво дрони амалга ошира олмайдиган кузатувларни олиб боради, узоқ масофаларга парвоз қилиш хусусияти эса барча муқобилларни орта қолдиради.

Бугунги кунда муҳандислар дрон параметрларини ошириш ёки кичрайтиришга доир модификацияларни ишлаб чиқиш билан шуғулланишмоқда. Хусусан, улар оператор учун ҳаво ва сув муҳитида қурилмани янада осон бошқариш имконини берувчи махсус контроллерни ишлаб чиқишни режалаштиришмоқда.

Кенгуру овчини болади

"Daily Mail" наشري хабар беришича, Австралия гарбида кенгуру ёш овчининг жағини синдирди.




19 ёшли овчи Жошуа Хайден машинада туриб кенгуруларни ўққа тутаетганда, кенгуруларнинг кенгуруларнинг кенгуруларига ҳужум қилишган. Кенгурулардан бири машинанинг олдинасига сакраб чиқиб олган. У сакраш вақтида овчининг жағига тегиб кетган. Овчи зарбадан ҳўшини йўқотган.

Маҳаллий шифохонада йигитнинг жағи сингани аниқланди. Шифокорлар йигитнинг юзи кучли шишиб кетгани сабабини 10 кундан сўнг жарроҳлик амалиётини ўтказиши мумкинлигини маълум қилишди.

Осмонўпар ёғоч минора

Токиода ёғочдан энг баянд осмонўпар бино барпо этилади. Бино қурилиши билан "Sumitomo Forestry Co" япон компанияси шуғулланади. Ҳаётга кўра, бино 70 қаватли бўлади, баландлиги 350 метрни ташкил қилади.



Янги бино девяри ёғочдан қурилади, 10 фоизгина пўлат ишлатилиши мумкин. Бинонинг барча томонларидаги балконларда биологик турфа хилликни сақлаб қолиш учун ўсимликлар экиб чиқилади.

Япония ҳукумати узоқ вақт ёғоч биналар афзалликларини таъкидлаб келган ва 2010 йилда 3 қават ва ундан pastроқ биналарда ёғоч элементларни қўллашга мажбурловчи қонун қабул қилган.

Сузувчи қуёш станцияси

"Clean Technica" хабар беришича, Австралияда мамлакатдаги энг катта сузувчи қуёш станцияси ишга туширилди. Унинг қуввати 100 кВтни ташкил қилади.



Станция оқова сувларни тозаловчи корхонада ўрна-тилган ва унга 2023 йилгача тикланувчи энергияга тўлиқ ўтишга ёрдам беради.

Станция паст ҳароратларда ишлай олади, бу самарадорликни оширади ва буғуллини камайтиради. Сузувчи қуёш станцияси технологияси 1200 та қалки (поплавок), 280 та қуёш фотоэлектр модули ва 15 та лангарни ўз ичига олади.

Айни вақтда энг йирик сузувчи қуёш станциялари Японияда (13,7 МВт) ва Хитойда (70 МВт) қурилмоқда. Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

"O ZSUVLOYINA" акциядорлик жамияти муносабати билан таъзия билдиранди.